O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 18 май жума

Сотувда эркин нархда № 97 (2659)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

М.Бурҳоновни «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Кўп йиллик самарали ижоди, ўзбек миллий мусиқа маданиятининг ривожига қўшган улкан ҳиссаси, халқимиз маънавиятини юксалтиришдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, бастакор Мутал (Мутаваккил) Музаинович Бурҳонов «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 17 май.

Эл-юрт ардоғидаги ижодкор

Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театрида Ўзбекистон халқ артисти, атоқли бастакор Мутал Бурҳонов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Театр фойесида бастакорнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини акс эттирган фотокўргазма ташкил этилди.

Тантанали кечада мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Мутал Бурҳоновни «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди ва юксак мукофотни бастакорга топширди.

Санъаткор ижодининг ўзига хослиги шундаки, унинг энг сара ва гўзал асарлари Ватанга муҳаббат, эрк ва озодлик каби мангу мавзуларга бағишланган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ана шундай улуғ ғоялар билан йўғрилган шеърияти бастакорни ўзига беҳад мафтун этгани ҳам бежиз эмасди. Бунинг натижаси ўлароқ, халқимиз М.Бурҳоновнинг «Алишер Навоийга қасида», «Алишер Навоий» опералари сингари жозибадор мусиқий асарларидан баҳраманд бўлди. Мустақил юртимизнинг давлат мадҳияси эса бастакор ижодининг мангуликка дахлдор яна бир муҳим қирраларидандир.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Россия Федерациясининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дмитрий Рюриков, мамлакатимиз маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев ва бошқалар бастакорни таваллуд айёми билан табриклаб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва ижодига барака тиладилар.

— Мен учун ҳурриятга эришган халқим учун ижод қилишдан буюкроқ бахт йўқ, — деди атоқли бастакор. — Қувончимнинг яна бир боиси шундаки, элим ардоғидаги санъаткорман. Камтарин меҳнатим халқимиз, Президентимиз томонидан шунчалар катта баҳоланаётганидан кўнглим тоғдек кўтарилмоқда. Бу ғамхўрликларнинг барчаси учун Юртбошимиздан, халқимиздан чин юракдан миннатдорман.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Қароматов иштирок этди.

Кеча санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта концерти билан якунланди.

(ЎзА).

Олий Мажлисда

Маълумки, Олий Мажлис Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, шу йилнинг май-июн ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Журналистлар билан мулоқот

Айни пайтда жойларда сайловни ташкил этиш юзасидан ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари иштирокида семинар-кенгашлар ўтказиляпти.

Олий Мажлисда кеча бўлиб ўтган йиғилишда ҳам оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот ўтказилди. Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси, Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Олий Мажлис Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси вакиллари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида йиғилганларга гапириб бердилар. Мулоқот ошкора, савол-жавоб, баҳс-мунозара руҳида ўтди.

Ўз мухбиримиз.

Қишлоқда қўшма корхона



Каттақўрғон туманининг Марди Султонов номидаги агрофирмасида «Темп — СО» «Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Россиядаги «АТ-Т» рейтинг» масъулияти чекланган жамият ва Марди Султонов номли агрофирма унинг таъсисчилари бўлишди.

Қўшма корхона иккиламчи маҳсулотларни қайта ишлаб, тиббиётда қўлланиладиган пахта ишлаб чиқаради. Шунингдек, корхонада турли хил халқ истеъмоли моллари, чинни ва пластмасса буюмлар ҳам тайёрланиши кўзда тутилган.

Қўшма корхона маҳсулотининг асосий қисми Россияга экспорт қилинади.

СУРАТДА: ишчи Олим Мажидов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Долзарб мавзу

Сув танқис

лекин асл деҳқон унга чора топади

Мана, уч йилдирки, республикамизда сув тақчиллиги сезилмоқда. Бундай мураккаб вазият халқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигига ҳам таъсир кўрсатиши табиий, албатта. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, бундай аҳвол юзага келишининг бир қатор сабаблари бор. Табиатга боғлиқ бўлмаган томони шуки, аҳоли сони йил сайин ўсиб боряпти. Айтайлик, бундан 50 йиллар муқаддам Марказий Осиё минтақасида 12 миллион киши истиқомат қилган бўлса, айни пайтда биргина бизнинг республикада 25 миллионга яқин киши яшаяпти. Очиғини айтганда, сувдан фойдаланмайдиган бирорта саноат корхонаси йўқ. Сувнинг ҳар йилги меъёри эса камайса камайяптики, кўпайгани йўқ.

Бизга боғлиқ бўлмаган сабаблардан яна бири кейинги йилларда қиш ва баҳор ойларида қор ҳамда ёмғирнинг меъёридан кам бўлишидир. Масалан, ўтган уч йил мобайнида ҳар йилги ўртача меъёрнинг 40-50 фоизи даражасида қор ва ёмғир ёғди. Натижада дарёларда сув кам бўлди. Одатда ҳар йили ёз ойларида Амударёнинг Керки гидропостидан секундига 2 минг метр куб сув ўтиши кузатилган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 790 метр кубни ташкил қилмоқда. Туямўйин сув омборига кираётган оқҳаётнинг миқдори ҳар йилгидан етти марта камлиги кузатилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг соҳага мутасадди раҳбарларининг фикрича, бир йилда республикамиз қишлоқ хўжалигига 45 миллиард метр кубдан ортиқ сув зарур бўлади.

Сув танқислигининг сабабларидан яна бири мамлакатимиз Марказий Осиё республикалари ўртасида жойлашганлигидир. Фойдаланилаётган сувнинг 85 фоизи қўшни давлатлардан келади. Бундай ҳолат сув кам бўлган пайтда ўз таъсирини ўтказиши табиий.

Хўш, шундай мураккаб шароитда қандай чора-тадбирларни қўллаш керак? Сув танқислигини бартараф этиш учун нима қилиш мумкин? Мутахассисларнинг фикрича, бунинг иккита йўли бор. Биринчиси, ички имкониятлар ҳисобига сувдан ниҳоятда тежамкорлик билан фойдаланиш. Яъни, суғориш режимини яхши йўлга қўйиш, кўпроқ тунги суғоришни ташкил қилиш, ўқариқларни қисқа олиб, экинларни суғориш, ерларни яхши текислаш орқали сувни тежаш. Мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи суғориш орқали олинишини ҳисобга олсак, об-ҳаётнинг зарга тенг эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Сув танқислигини бартараф этишнинг яна бир усули экинларни томчилатиб ёки ёмғир усулида суғоришдир. Бундай йўл айни пайтда мамлакатимизнинг, кам бўлса-да, баъзи жойларида синаб кўрилиб, ўзининг ижобий натижасини берган.

Мамлакатимиз Президенти, ҳукуматимиз томонидан сув танқислигини бартараф этиш борасида бир қатор амалий ишлар уддаланмоқда. Вазирлар Маҳкамаси сувни тежаш, ундан лимит орқали фойдаланиш ва тизимдаги ишни тартибга солиш борасида аниқ чоралар кўрмоқда. Давлатимиз соҳага катта эътибор бермоқда. Сувни омборларда сақлаш, уни тақсимлаш, каналлар орқали фойдаланувчиларга етказиб бериш учун катта маблағ сарфламоқда.

Шунингдек, истиқлол йилларида Марказий Осиё давлатлари ўртасида сув муаммоларини мувофиқлаштирувчи комиссиянинг тузилганлиги ва у бир маромда ишлаётганлиги ҳам бу борадаги вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам бермоқда. Мазкур комиссия аъзолари ҳар чоракда бир давлатда йиғилишиб, юзага келган муаммоларни бартараф этиш йўлларини излашади. Қўшни республикалар билан бундай ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда иш олиб борилаётганлиги ўз ижобий натижасини бериши керак.

Пировардида кўнгилни кўтарадиган бир гапни айтиш ўринлидир. Амударёга сув Помир ва Олой тоғларидаги музликлардан келади. Ёзда ҳарорат кўтарилиши натижасида музлар эриб, сув сатҳининг кўтарилиши кузатилади. Жорий йилнинг 11 майидан бошлаб Амударёда сув сатҳининг 300 метр кубга кўпайганлиги маълум бўлди. Бундай ижобий ҳол, қисман бўлса-да, сув таъминотининг яхшиланишига ёрдам беради.

Хуллас, бугунги аҳвол далада меҳнат қилаётган ҳар бир кишидан сувнинг камлигини билиб, ишни шу асосда олиб боришни тақозо қилади. Об-ҳаётдан қанчалик унумли, тежамли фойдаланилса, унинг исроф бўлишига йўл қўйилмаса, шунчалик мўл ҳосил олиш имконияти яратилади.

Ҳосил КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳукумат комиссиясининг йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов раислигида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, ўзаро ҳисоб-китоблар аҳволи, республика вазирлик ва идоралари иш ҳақини ўз вақтида тўланиши масалалари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ҳамда Бухоро вилоятларидаги тегишли худудий комиссиялар фаолияти кўриб чиқилди. Ҳукумат комиссияси йиғилишида қатор вазирликлар, идоралар, концернлар, компаниялар, уюшмалар ва тижорат банклари раҳбарлари иштирок этди.

Бюджетга қарзларни камайтириш масаласи бўйича Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Хўжаевнинг ахбороти тингланди. Ўтган даврмобайнида вазирликлар ва идоралар томонидан республика бюджетига мўлжалланган маблағлар келиб тушишининг ижроси борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Шу билан бирга, "Ўздавпахтасаноатсотиш" давлат акционерлик уюшмаси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик жамияти, "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамияти, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўздонмаҳсулот" давлат акционерлик корпорацияси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, "Ўзбекэнерго" давлат акционерлик компанияси тасарруфидаги ва бошқа қатор ташкилотлар томонидан ўтган йилгига нисбатан бюджетга тўловлар бўйича қарзлар ўсишига йўл қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Фарғонада «Экофестивал»

Фарғонада «Экология, оналик ва болалик» дастури бўйича «Экофестивал» бошланди. Фестивал қатнашчилари дастлаб «Фарғона» ўйингоҳида ўтказиладиган шоу-байрам концертида иштирок этдилар. Сўнгра атроф-муҳит ва экологик вазият мураккаб ҳисобланган Қиргули, Тошлоқ туманларида бўлиб табиатни муҳофаза қилиш, аҳоли соғлиғи масалалари билан яқиндан танишдилар.

Тинчлик устуни ўрнатилди

Шаҳрисабздаги Амир Темур номидаги маданият музейида рамзий Тинчлик устунининг ўрнатилишига бағишланган тантанали маросим бўлди. Тантанада иштирок этган Японияниг Гои Тинчлик фонди делегацияси раҳбари Масаё Шибамото хонимнинг таъкидлашича, биринчи рамзий Тинчлик устуни Самарқандга ўрнатилган. Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги шарафига жами ўнта шаҳарга Тинчлик устунлари ўрнатилиши мўлжалланмоқда.

«Бой ота» ғолиб

Бир ойдирки, "Чимбой-Нукус" йўналишида "Бой ота" хусусий корхонасига қарашли автобус ва енгил машиналар узлуксиз қатнамоқда. Корхона Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қошидаги тендер комиссияси танловида шу йўналишда хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди.

Хорижлик олимлар Хоразмда

НАТОнинг "Фан — тинчлик йўлида" дастури доирасида "Тошкентда ва Бишкекда сейсмик хавфни баҳолаш ҳамда уни камайтириш" лойиҳасини амалга оширишда иштирок этаётган бир гуруҳ олимлар Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Навоий ариғи

Олтинкўл туманидаги С. Ашуров номли, Навоий номли ширкат хўжаликлари оқин сувга ёлчийдиган бўлди. «Навоий ариғи» деб ном олган беш километрлик иншоот 850 гектардан ортиқ майдондаги экинга ҳаёт бағишлайди.

Ўрим-йиғим комбайнларининг шовқини далаларни тутадиган кунлар яқин. Шу боис ҳам Ўзбекистон туманида барча техникалар мавсумга тахт қилиб қўйилди.

СУРАТДА: мутахассислар техникалар таъмири сифатини кўздан кечиришаётир.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ»НИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Тошкентда "Интерконтинентал" меҳмонхонасининг "Амир Темур" залида "Ўзбекистон нефти ва гази" (OGU) мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Миллий нефтгаз компанияси ва унинг шўъба корхоналарининг хусусийлаштирилиши эълон қилинди.

Мазкур анжуман Ўзбекистон ҳукумати ташаббусига кўра "ITE Group" Британия кўргазма компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Дунёнинг 25 мамлакатидан ташриф буюрган 110 нефтгаз компанияси вакилларини "ITE Group"нинг раиси ўринбосари, Лондон шаҳрининг собиқ мэри жаноб Хью Бидуэл қутлади.

Анжуманда "Ўзбекистоннинг нефть-газ саноатини хусусийлаштириш стратегиясига бир назар", "Жаҳон банки томонидан "Ўзбекнефтгаз"нинг хусусийлаштирилишининг қўллаб-қувватланиши", "Хусусийлаштириш жараёни ва Ўзбекнефтгаз акцияларини хорижий харидорлари имкониятлари ҳамда уни субсидиялаш", "Марказий Осиё нефти ва газини қазиб чиқариш ҳамда хорижий нефть-газ компаниялари истиқболлари", "Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнининг асосий ҳуқуқий тамойиллари" ва бошқа мавзуларда маърузалар тингланди.

"Ўзбекнефтгаз" компаниясининг ҳамкорларидан бири — жаҳонга машҳур "Shell EP International B.V." компанияси номидан конференцияда Марказий Осиё (Каспий ҳудуди бўйича) вице-президент Гавин М.Грэхэм иштирок этиб, маъруза қилди. ЎзА мухбири саволларига жавоб берар экан, жаноб Грэхэм "Шелл"нинг "Ўзбекнефтгаз" билан ҳамкорлик муносабатлари 1997 йилдан бошлаб муваффақиятли ривожланиб келаётганини қайд этди. Ўшанда республиканинг алоҳида ҳудудларида муайян ишлар олиб бориш ҳақидаги баённома имзоланган эди.

(Давоми 3-бетда).

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Оқсоқликка сабаб нима?

Африканинг дунё иқтисодиёти ривожига қўшаётган ҳиссаси бошқа қитъаларникига нисбатан жуда паст. Қитъа давлатларининг иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган барча уринишлари ҳозирча бесамар якунланмоқда. Катта миқдордаги табиий заҳира ва арзон ишчи кучига эга бўлган Африканинг оқсоқлигига сабаб нима? Бу саволга жавоб Вашингтонда топиладиганга ўхшайди. Кеча АҚШ президенти Жорж Буш айни шу масалада музокара ўтказиш учун қитъадаги 35 та мамлакат ва ҳукумат раҳбарларини ўз юртига таклиф қилди.

Суд Живилони Москвага бермади

Куни кеча Франция суди Михаил Живилони Москвага қайтариш борасидаги таклифларга рад жавоб қайтарди. Маълумки, машҳур тадбиркор М.Живило Кемерово губернатори Омон Тулеевга суиқасд уюштирганликда айбланмоқда.

Вазирлар билан мулоқот

Яқин Шарқдаги қалтис вазият ўта жиддий тус олганлиги сабабли эртага Фаластин раҳбари Ёсир Арафат Араб лигаси мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари билан учрашади, дея хабар беради Рейтер агентлиги. Ўзаро мулоқотлар чоғида минтақадаги вазиятни юмшатиш борасидаги масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган.

Дево Бородинни сўроқ қилмоқда

Кеча Женевада Россия ва Белорус иттифоқи давлат котиби Павел Бородинни сўроқ қилиш жараёни бошланди. Ҳуқуқшунос Даниель Дево олиб бораётган сўроқда П.Бородин билан бирга швейцариялик молиячилар ҳам таклиф қилинган. Оқловчиларнинг сўзларига қараганда, ушбу сўров узоқ муддат давом этмайди. Кеча П.Бородиннинг ўзи бундай тафтишлардан мутлақо чўчимаётганлигини таъкидлаган. Аммо сўровлар қандай натижа билан якун топиши мавҳумлигича қолмоқда.

Сўнгги сонияларда

- Бислан Гантимиров Грозний шаҳри мэрлигидан воз кечди.
- Хитойнинг Сюйчжоу шаҳрида дунёга машҳур бўлган японлик композитор Икума Дон вафот этди.
- Куба раҳбари Фидел Кастро Алжир, Сурия, Эрон, Малайзия, Катар ва Ливиядан сўнг Португалияга етиб келди.
- Грециядa рихтер шкаласи бўйича 4,3 балл билан ер силкиниши юз берди.

«Момогул» фестивалга чорлайди

Кеча Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида очилган Қашқадарё вилояти фестивали «Шу азиз Ватан — барчамизники» деб номланди.

Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида «Она ва бола» дастури доирасида ўтказилаётган ушбу анжуман воҳа меҳнат аҳлининг ўзига хос турмуш тарзи, халқ ҳунармандчилиги, ижоди ва санъатини намойиш этишга қаратилган. Бу ерда ўнлаб халқ ҳунармандчилиги — ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, заргарлик, каштачилик, кулолчилик, шунингдек, тасвирий санъат — рангтасвир, графика, миниатюра, халқ амалий санъати асарлари намойиш этилаётир.

Кўргазмага қўйилган қашқадарёлик мусаввирлар асарларини кўздан кечираркансиз, қаршингизда йилларни қувиб яшаётган «Момо», фарзанди бошида парвона она, таёғини ардоқлаб келаётган чўпон наморён бўлади. «Момогул» фольклор дастасининг ранг-баранг қўшиқлари, ўлану рақслари барчани Қашқадарё фестивалига чорлайди гўё.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу фестивалнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ушбу тадбирнинг аҳамияти ҳақида тўхталди.

Фестивал қатнашчилари Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, ЎзА Бош директори Мурод Муҳаммад Дўст, Давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов, Бадиий академия раиси Турсунали Қўзиев, Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари Назар Ҳакимовнинг чиқишларини зўр кўтаринкилик билан кутиб олдилар.

Тадбирда республика Бош вазири ўринбосари Ҳ. Кароматов иштирок этди.

М. ХОЛМАТОВА.

СУРАТЛАРДА: фестивалдан лавҳалар.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Қўшхабар

Миллат равнақи — мураббийлар қўлида

Жиззах вилоятида бўлиб ўтган вилоят ўқитувчилар ва таълим ходимларининг конференциясида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг бажарилиши ва бу соҳадаги вазифалар муҳокама этилди.

Тадбир иштирокчилари болаларни мактабга тайёрлаш, умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда узлуксиз таълимда бошқарув тизими каби мавзуларда фикр-мулоҳаза алмашдилар.

Анжуманда вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Кадрлар малака оширишяпти

Жиззах вилояти ҳокимлигида заҳирага олинган истиқболли кадрларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш мақсадида ўқув маркази ташкил этилганди.

Куни кеча марказда дастлабки машғулотлар ўтказилди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Далалар шукуҳи

Хўжалик бош иқтисодчиси Турдиқул Абдуқодиров 2001 йилнинг январида хонасидан чиқмай, роса бир ҳафта чўт қоқди. Сўнг уни шу алфозда кўрганларнинг гапига қараганда пешонасидаги терларни кафти билан сидириб ташлаб шундай дебди:

— Соф даромадимиз 119 миллион 153 минг сўмга етди. Худо хоҳласа, бу йил ана шу кўрсаткични 220 миллион сўмга етказамиз! Ундан ками кам!

Мана буни мўлжал, деса арзийди.

Миллионлар меҳнатдан яралгай

Ўтган йилнинг ноябр ойида қизиқ иш бўлди. Ширкатлар уюшмаси раиси Ғофиржон Алиев даладаги умумий йиғинда ҳар бир ширкатнинг ҳосилотига биттадан, жами 10 бош бузоқли сигир тарқатди. Бир йил муқаддам худди шундай мукофотни 9 та ширкат бошлиғи олганди. Далада янграган чапак ўша куни анча давом этди. Негаки, 500 нафар механизатор, оилавий пудрат бошлиғи, сувчи ва энг илғор ишчиларнинг ҳар бирига костюмшим, саккиз тепкилик марғилон хон атласи, қўл соати, пул мукофотлари, дам олиш уйлари ва санаторийларга текин йўлланмалар тарқатилганди.

Меҳнат ҳам эгиз, давлат ҳам эгиз, деганлари шу бўлса керак-да.

Жумабой Мираминов деган оилавий пудрат бошлиғи ўтган йили 20 гектар майдондан 102,2 тонна ҳосил кўтарди. Ўзига 25,2 тонна буғдой тегди. Зафар Бекбўриев эса 30 гектар майдонга ғалла экиб, меҳнат ҳаққию, мукофотдан ташқари 20 тонна буғдойли бўлди.

Қўли жарақ-жарақ пул, омбори тонна-тонна дон кўрган деҳқон хўроз қичқирмасдан далага йўл олади. Ризқу насибаси, бугунию эртаси шу дала билан эту тирноқ эканлигини у яхши билади.

Хўжаликнинг Муқимий номли ширкатида Хидир Алматов исмли ажойиб деҳқон билан танишдик. Даласида игнадай ўт йўқ. Захлаб сув ичган, ишлови, ўғити оби-тобида берилган ғўзалар потирлаб шона кўрсатган. Чаккасига ана шу шоналардан бирини қистирган Хидир Алматов мўйсафид бўлишига қарамай тетик гапиради.

— 20 гектар пахтам ва 13 нафар фарзандим бор. Ҳайитбой, Бахтиёр, Ҳусниддин, Нуриддин, Баҳодирларимнинг бири тракторчи, бири сувчи, бошқаси эса чопиқчи бўлиб далани яшнатиб ётибмиз. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 42 центнердан пахта олувдик. Бу йил 50 центнерлик маррани кўзлаб турибмиз.

Хўжаликда Хидир Алматов сингари қўли гул пахтакору ғаллакорлар ўнлаб, юзлаб топилади. Ана шу оддий инсонларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли «Боёвут» ширкатлар уюшмаси нафақат туманда, балки вилоятда ҳам бели бақувват, дасти узун жамоага айланди.

Уюшмада Андижон дон ва дуккакли экинлар илмий-текшириш институтининг тажриба маркази жойлашган. Унинг 49 гектар майдони бор.

— Марказни ташкил этишдан асосий мақсад Сирдарё шароитида эртапишар, ҳосилдор, касалликларга чидамли буғдой ва бошқа ғалла навларини яратиш эди, — дейди уюшма раиси Ғофиржон Алиев. — «Боёвут-1», «Мақуз-3» ҳамда «Ғайрат» буғдой навлари икки йил ичида ўзини тўла оқлади. Марказ даласида бу буғдой навларидан ўртача 67-70 центнердан ҳосил етиштирилди. Келгусида вилоятнинг барча хўжаликларини сара уруғлик буғдой билан таъминлаш ниятимиз бор. Уруғлик буғдой сотиш бизга яна миллион-миллион сўм қўшимча даромад келтиради.

2881 гектар майдонда пахта, 1636 гектар майдонда эса ғалла парваришлаётган уюшма аъзоларининг эртанги кундан кўнгиллари тўқ. Улар биладики, меҳнат юксалишнинг ҳам, фаровонликнинг ҳам сира-сира занг босмайдиган олтин калитидир. Шу калит бор экан, элнинг қозони ҳам, чўмичи ҳам мойга ботгани ботган.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: далага ишлов ва сув берилмоқда; уюшма раиси Ғ. Алиев ва Гулистон давлат университети доценти, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Т. Кулиев тажриба участкасида.

Б. ТЎРАЕВ олган суратлар.

Ҳукумат комиссиясининг йиғилиши

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зикр этилган вазирлик ва идоралар раҳбарларига 2001 йил биринчи чорагида мўлжалланган вазифалар ижросида мавжуд бўлган сусткашликни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилиш топширилди.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш, иш ҳақини ўз вақтида тўлаш чора-тадбирлари ҳақида Тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш бўйича кичик комиссия раиси, Марказий банк раиси Ф.Муллажонов сўзга чиқиб, ўтган давр мобайнида республика корхоналари ва ташкилотларида ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш орқали мониторинг ўтказилган вазирликлар ҳамда идоралар бўйича муддати ўтган қарзлар тўлиқ бартараф этилганини таъкидлади.

Шу билан бирга "Ўзбекэнерго" давлат акционерлик компанияси, "Кўмир" акционерлик бирлашмаси, "Махсусқотишма" республика ташкилоти, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компанияси, "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамияти, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси ўз тасарруфларидаги корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ўсишига йўл қўйган.

Вазирликлар ва идоралар раҳбарларига ўз тасарруфларидаги ҳар бир корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 504-сонли қарорига мувофиқ ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишни такомиллаштириш ҳамда иш ҳақини ўз вақтида тўлаш бўйича барча керакли чора-тадбирларни қабул қилиш вазифаси топширилди.

Йиғилиш давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Бухоро вилоятлари ҳудудий комиссиялар раҳбарларининг уларга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботи тингланди.

Ҳукумат комиссияси комиссиялар иши етарли эмаслигини кўрсатиб ўтди. Бу ҳол ижро интизомининг сусайиши, талабчанликнинг етишмаслиги, айрим раҳбарларнинг ўзбошимчалиги оқибатида вужудга келди. Комиссиялар раҳбарларига ҳудудий комиссияларнинг иқтисодиёт органлари, вазирлик ва идоралар ишларини мувофиқлаштириш, ҳукумат қарорлари ҳамда ҳукумат комиссияси баённомасида қайд этилган топшириқларни ижро этиш борасида мониторинг назорати ишларини кучайтириш тавсия этилди.

Барча кўриб чиқилган масалалар бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга бадалларнинг тўлиқ тушишини таъминлаш, ўзаро қарзларни камайтириш борасида вазирлик ва идоралар раҳбарларига аниқ топшириқлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

Излаган имкон топар

«Пахтаобод шағал саралаш заводи» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Мўйдинжон Собировни қўшни Қирғизистон ҳудудига туташ карьерда учратдик. Мўйдинжон акани кўпчилик тиниб-тинчимас, ташаббускор, янгиликка ўч раҳбар сифатида яхши билади ва қадрлайди. Мана, бир неча ойдирки, у мазкур корхонани бошқараётир.

Очиқ ҳавзадаги хазина

—Оллоҳ назари тушган юртимиз бор, — дейди Мўйдинжон Собиров ажиб фахр ва ғурурга тўлиб. — Ер ости, ер усти бойликларимизнинг эса адоғига етолмайсиз. Биргина оёғимиз остидаги қум ва шағални олинг. Очиқ ҳавзалардан қазиб олинаётган ана шу бойликлар ҳозирданоқ хорижликлар эътиборини тортди.

Маълумки, қум ва шағал кўп жойларда , хусусан, Фарғонада сой ўзанидан, Самарқандда Зарафшон дарёсининг саёзлашган қисмидан олинади. Аввало, ювилиб сараланади, йирик тошлар эса қудратли агрегатлар ёрдамида майдаланади. Бу ерда, аксинча, тоза ва сифатли қум ва шағал шундоқ очиқ майдондан транспорт воситаларига юкланмоқда.

— Саксонинчи йилларнинг бошида кенг миқёсда шағал қазиш ишлари бошланганди, — сўзида давом этади Мўйдинжон ака. — Маҳсулот сифатли бўлгани учун, катта маблағ эвазига уни четдан келтиришга ҳожат қолмади. Андижон сув омбори, Асакадаги «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонаси ва бошқа қудратли иншоотларни тиклашда ўзимизнинг табиий бойлигимиздан фойдаланилди.

Карьернинг умумий майдони 165 гектарни ташкил этади. Ҳозирга қадар унинг бир қисмигина ўзлаштирилган, холос. Ҳавзаларнинг чуқурлиги эса ўттиз метрдан ошади. Бир вақтлар конда хўжасизлик ҳукм сурган бўлса, эндиликда унинг ҳар қаричидан оқилона фойдаланилиб, мавжуд заҳира асраб-авайланаяпти.

Бугун карьернинг атрофида «Андижонавтойўл» давлат акциядорлик бирлашмаси, «Вилояттажмирлаш» бошқармаси тасарруфидаги ўндан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг бири водий йўллари учун асфальт тайёрлаётган бўлса, бошқаси қум-шағални ювиб, буюртмачилар ихтиёрига топшираётир. М. Собиров раҳбар бўлган бош корхона жамоаси эса асфальт тайёрлашдан бошқа барча ишларни ўз зиммасига олган. Қудратли агрегатлар тошларни маълум катталикда қирқиб, темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга етказиб бормоқда.

—Иштиёқ билан ишлаганда чарчоқ бўлмайди, — қўл остидагилар юрагига ўт ташлайди Мўйдинжон ака. — Шуни билиб қўйинглар: бойлик осмондан ёғиладиган чалпак эмас, у меҳнат билан қўлга киритилади. Ишлаганда ҳам ақлни пешлаб, қўлни қабартириб, тер тўкиб меҳнат қилиш керак.

Аслида жамоа аҳлининг ҳар бир аъзоси ташаббускор. Чунончи, ишчи Тоҳиржон Худойбердиев қум-шағал ташиладиган 1,5-2 километрлик ленталарни тенг ярмига қисқартиришни таклиф этди. Ахир, бир метр лентанинг нархи — 24 минг сўм. Қолаверса, ленталар қисқартирилса, уни ҳаракатлантирувчи мингдан ортиқ қимматбаҳо қисмлар ҳам иқтисод қилинади. Электр қувватининг тежалганини айтмайсизми? Илгари бир ойда 1,5-2 миллион сўмлик миқдорда электр қуввати сарфланар эди. Ҳозир бу кўрсаткич 300-350 минг сўмга тушди.

Бундан ташқари, корхона негизида юридик мақомга эга бўлган учта кичик корхона ташкил этилди. Улардан бири «Ҳамкор» корхонаси транспорт воситаларига эгалик қилади. Ҳозир унинг тасарруфида тўртта бульдозер, шунча экскаватор, учта «БелАЗ», бир неча трактор ва бошқа автоуловлар мавжуд.

Иккинчи кичик корхона «Мададкор» — ювилган тошни қумга айлантириб, бетон қоришмаси тайёрлайди. Ўтган йили бу ерда жами 100-150 кубметр ҳажмда қоришма тайёрланган бўлса, бугунги кунда ҳар ўн кунда минг куб метрга яқин бетон ишлаб чиқарилмоқда.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам эътиборда. Асрлар давомида инсон меҳрига ташна бўлиб ётган тўрт гектардан ортиқ ерга тупроқ келтирилиб, етти минг тупдан зиёд ток кўчати ўтказилди. Токзор оралиғида ерёнғоқ парваришланяпти.

Икки қаватли кўркам иморат — бош корхонанинг маъмурий биноси эса таъмирдан чиқарилди.

Завод қуввати ҳам ортди. Яқинда бу ерда соатига 37 тонна қумни қайта ишлайдиган қудратли агрегат ишга туширилди. Демак, энди бунёдкорлик ишларининг кўлами янада кенгаяди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Оилада тарбия муҳити борми?

Жонли мулоқотда фикрлар етилади, янги ғоялар туғилади. Айниқса, бугунги баҳсу мунозарага бой анжуманларда ёшларнинг шижоати, орзу-умидлари зиёда эканлиги яққол намоён бўлаяпти. Бугун улар ишонч билан ўзларининг қаётдаги муносиб ўринларини топиб олишга интилмоқдалар. Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтида бўлиб ўтган ёшлар фестивали ҳам шундан дарак берди. «Оналар ва болалар йили»га бағишлаб ўтказилган ушбу фестивалда ғолиб чиққан факультет талабалари тақдирланди, олқишланди.

— Фестивалнинг шоҳиди бўлган ҳар бир талаба ботинидан бугун давлатимиз менинг қалбим соф, фикрим ўткир бўлиши учун қайғураяпти, деган ўй кечган бўлса, ажаб эмас, — дейди агроиқтисод ва менежмент факультети декани Аҳрор Азларов. — Аслида бизнинг мақсадимиз ҳам шу эди.

Дарҳақиқат, шундай. Мазкур фестивал давомида нафақат талабаларнинг, балки кўпчилик ота-оналарнинг ҳам ўй-тасаввурлари ярқ этгандай бўлди. Зеро, ота-оналар ўзим қандайман, мендан фарзандим нимани ўрнак оляпти, оиламда тарбия муҳити борми, деган хаёлдан ўзларини имтиҳон этган бўлишлари аниқ.

— Бугун мен ўз фарзандимни ёт ғоялардан асрай олмасам, ўз илдизимга болта урган бўламан, — дейди Қашқадарёдан келган Ўктам Умаров.

Х. МАШАРИПОВ, талаба.

Соғлом фарзанд — юрт келажаги

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Педиатрия илмий-текшириш институтида «Болалар ва ўсмирлар касалликлари ташҳиси, даволаш ва реабилитациясининг замонавий технологиялари» мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Педиатрия илмий-текшириш институтининг директори Д.Маҳмудова мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш замонавий тиббиётнинг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Янгидан барпо этилаётган тиббиёт муассасалари, даволаш-ташҳис ва соғломлаштириш марказлари шу мақсадга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, жойлардаги шифо масканларининг техник базаси мустаҳкамланаётгани, клиникалар, ташҳис марказларининг янги, замон талабига мос технология ва жиҳозлар билан таъминланаётгани қувончли ҳолдир. Бу борада чақалоқда келгусида юзага келиши эҳтимоли бўлган касалликларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилаётган она ва бола марказларининг ўрни, айниқса катта.

Анжуманда соғлиқни сақлаш амалиётида шифокорларнинг замонавий тиббиёт янгиликларидан, ташҳис қўйишда қўлланиладиган асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш ҳамда тиббиёт кадрларининг малакасини ошириш борасида тадбирлар ишлаб чиқилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

ИИВ Матбуот маркази хабар қилади

Оғуфурушлар

Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан вилоят ҳудудида катта миқдордаги қорадори гиёҳвандлик моддасини сотишга уринган икки нафар шахс қўлга олинди. Яъни Денов туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида яшовчи 33 ёшли Равшан Б. уйида қарийб 15 килограммга яқин қорадорини сотиш мақсадида яшириб келаётганлиги фош этилди. Олиб борилган тезкор тергов ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятга алоқадор бўлганлар орасида Сариосиё тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалигида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 22 ёшли Ж. Аброр ҳам бор экан.

Шу вилоятнинг Узун туманида ўтказилган тадбирлар натижасида С.Сафар ва унинг шериги Т. Назарлар ҳам 1 килограмму 200 грамм героинни 2 минг 700 АҚШ долларига сотаётган вақтида ушланди.

* * *

«Душанбе-Саратов» йўналишидаги поезд йўловчилари ўзаро гурунглашиб, ҳазил-мутойиба қилиб боришарди. Шерик яхши бўлса, узоқ йўл ҳам билинмайди. Бироқ, бир йўловчи чеккада ўтирар, ҳеч кимга аралашмасди. Негадир, унинг ранглари оқариб, кутилмаганда безовталаниб қолади.

... Беморнинг аҳволи ёмонлашаётганлиги сабабли касалхонага олиб борилади. Операция қилиш даркорлигини тушунган шифокорлар тезда ишга киришадилар. Жарроҳлик жараёнида эса Тожикистон Республикаси Ҳалтон вилоятида яшовчи Тоиржон Муродов ошқозонидан 213 дона целлофан халтачаларга ўралган 430 грамм героин олинади. Ҳаром пул учун соғлиғини ҳам ўйламай, бу ишга қўл урган йўловчини жарроҳлар сақлаб қолмаганида шундай навқирон йигитнинг ҳаёти хазон бўлиши мумкин эди.

* * *

Бухоро вилояти Ромитон тумани «Чандир» ДАН масканига яқинлашиб келаётган «Тико» русумли автомашина йўл қоидаларини бузганлиги учун ички ишлар ходимлари томонидан тўхтатилди. Эшикни очиб автомашинадан аранг тушган ҳайдовчининг ранги докадек оқариб, қорнини ушлаганча инспекторга юзланди. Оғриқдан инграб юборган 45 ёшли Ш. Элдоровни ДАН ходимлари зудлик билан шифохонага олиб боришди. Уни ҳам жарроҳлик столига ётқизишди. Шифокорлар қарашсаки, ҳайдовчининг ошқозонида 5 та целлофан халтачага жойлаштирилган 96,6 грамм героин турибди.

Такрор ва яна такрор айтиш лозимки, «наркобизнес»чиларнинг фойда кетидан қувиб топганлари ҳамиша панжара орти бўлади. Ўз қилмишлари, хатолари ва гуноҳлари учун жазо олишади.

Дарҳақиқат, кишиларни заҳарлашга уринган, унинг соғлиғига путур етказмоқчи бўлган кимсаларга қонун ҳеч қачон шафқат қилмайди.

Шерали АНВАРОВ, ИИВ Матбуот маркази инспектори, милиция лейтенанти.

«Барака» барака келтирди

Кечагина юзлаб фермерлардан бири бўлган Тожибой Донабоев бугун «заводчи бой»га айланди. Қандай қилиб дейсизми? Ҳаммасига ҳалол ва тинимсиз меҳнат, изланиш сабаб. Дастлаб ишни саноқли қорамол парваришлашдан бошлаган фермернинг бугунги кунда 80 бош қорамоли, 170 гектар ери бор. Соғин сигирларнинг ўзи 25 бош. Ҳозирга қадар у маҳсулотини узоқ йўл босиб, турли ташкилотларга, сут заводларига топширарди. Энди ўзида олти турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган завод бор. Тайёр маҳсулотларни эса нафақат Зомин туманидаги болалар боғчалари, мактабу касалхоналарга, ҳатто пойтахтимизнинг аҳолисига ҳам сотмоқда.

— «Барака» — барака келтирди, — дейди «Қўнғирбой-Т» фермер хўжалиги раҳбари. — Биз «Барака» универсал лизинг компанияси орқали Исроилнинг «Марав» фирмасининг ана шу кичик заводини келтирдик.

СУРАТДА: фермер хўжалиги раҳбари Т. Донабоев маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда. Қадоқловчи Янглиш Хўжабекова ўз ишининг устаси.

Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

ҚАРОРИ

"Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. "Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини "Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 12 май.

8

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида

«Халқ сўзи» — «Народное слово»
2001 йил

Қирқиш чизиғи

(ўзига хос бўлмаган қисмини такрорлаш бундан мустасно) ва фуқаролик муомаласига бошқача тарзда киритиш топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилмайди:

топологиядан фойда олмаган тарзда шахсий мақсадларда, шунингдек уни баҳолаш, таҳлил қилиш, тадқиқ этиш ёки ўқитиш учун фойдаланиш;

қонунга хилоф равишда такрорланган топологияли интеграл микросхемани ёки шундай интеграл микросхемали буюмни сотиб олган шахснинг ҳаракатлари, агар бу шахс уларга қонунга хилоф равишда такрорланган топология киритилганини билмаган ва билиши мумкин ҳам бўлмаган бўлса;

айнан бир хилдаги топологияни мустақил равишда яратган шахсга нисбатан, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар.

7-модда. Хизмат топологияси

Ходим ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг топшириғини бажариш вақтида яратган (хизмат топологияси) топологиянинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома олиш ҳуқуқи, башарти бу улар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Хизмат топологияси учун муаллифга тўланадиган мукофот пулининг миқдори, шартлари ва тартиби у билан иш берувчи ўртасидаги шартнома билан белгиланади.

8-модда. Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бериш

Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) томонидан бевосита ёки ишончли вакил орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади) берилади.

Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бериш, агар топологиядан фойдаланилган бўлса, ундан биринчи марта фойдаланилган санадан эътиборан икки йилдан ошмаган муддатда амалга оширилиши мумкин.

Топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабнома битта топологияга тааллуқли бўлиши керак.

Топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмийлаштириш учун зарур бўладиган ҳужжатларга доир талаблар Патент идораси томонидан белгиланади.

9-модда. Топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабноманинг давлат экспертизаси

Топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабноманинг давлат экспертизаси талабнома берилган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида Патент идораси томонидан ўтказилади. Давлат экспертизаси натижаларига биноан топологияни рўйхатга олиш ёки уни рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилиб, бу ҳақда талабнома берувчи хабардор қилинади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг сўровига биноан ёки ўз ташаббуси билан топологияни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар талабнома материалларини тўлдириш, аниқлаштириш ва тузатишга ҳақлидир.

Топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабноманинг давлат экспертизасини ўтказиш тартиби Патент идораси томонидан белгиланади.

10-модда. Давлат экспертизасининг хулосаси устидан шикоят қилиш

Талабнома берувчи давлат экспертизасининг хулосаси устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч ой ичида Патент идорасининг Апелляция кенгашига (бундан буён матнда Апелляция кенгаши деб юритилади) шикоят қилишга ҳақлидир.

Давлат экспертизасининг хулосаси устидан Апелляция кенгашига шикоят қилиш тартибини Патент идораси белгилайди.

Талабнома берувчи Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилишга ҳақлидир.

11-модда. Топологияни рўйхатга олиш

Давлат экспертизасининг хулосаси асосида Патент идораси патент божи тўлангани тўғрисидаги ҳужжат олинган санадан эътиборан бир ой ичида топологияни Интеграл микросхемалар топологияларининг давлат реестрида рўйхатга олади. Реестрга киритиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

12-модда. Топология рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш

Топология рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги маълумотлар Патент идораси томонидан расмий ахборотномада эълон қилинади. Эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

13-модда. Топология рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома

Топология рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳуқуқ эгасининг топологиядан фойдаланишга бўлган

5

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ»НИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

1998 йили томонлар ўзаро ишонч тўғрисида меморандум имзолагач, 2 та гуруҳ - бири Хьюстонда, иккинчиси Голландияда иш бошлади. Улар "Ўзбекнефтгаз" томонидан берилган маълумотларни таҳлил қилишди. Натижада мазкур ҳудудда иш олиб бориш учун муайян тижорат имкониятлари борлиги маълум бўлди. Бироқ ўшанда нефть ҳақида қонунчилик ҳали мавжуд эмаслиги, шунингдек газ етказиб бериш учун зарур бўлган қатъий валюта бозори йўқлиги туфайли айрим муаммолар вужудга келган эди. Бундай ҳуқуқий ҳужжат кейинчалик пайдо бўлди.

"Ўзбекнефтгаз" ўз ҳамкорларига жорий вазиятда содир бўлаётган ўзгаришлар, шунингдек янги қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниши билан боғлиқ янгиликлар ҳақида мунтазам равишда ахборот бериб келади. Хорижий компаниялар учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан 2000 йилнинг 28 апрелида "Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг имзоланиши қувончли воқеа бўлди. Мазкур ҳужжатга биноан хорижий инвесторлар учун қулай шароитлар яратилди.

Бу ҳақда ва бошқа масалалар юзасидан Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ғаниев сўзлаб берди.

Ўз тақдимотида конференция иштирокчиларини республикадаги инвестициявий жараёнлар билан таништирар экан, Ташқи иқтисодий алоқалар вазири қатор статистик маълумотлар келтирди. Шунингдек, у Президент Ислом Каримов томонидан имзоланган Фармонда, ҳукумат қарорлари ва қабул қилинган қонунларда инвесторлар учун мўлжалланган имтиёзлар ва қулайликлар ҳақида батафсил тўхталди.

1992 йилдаёқ Ўзбекистон раҳбари Ўзбекистон нефт мустақиллигига эришиш мақсадида нефть ва газ қазиб олишни кўпайтириш борасидаги стратегик вазифаларни белгилаган эди. 1995 йилда бундай мустақилликка эришилди. Вазир ўз маърузасида мустақил ривожланиш йиллари давомида Ўзбекистон нефть маҳсулотлари экспортчисига айланганини қайд этди. Президент Ислом Каримовнинг 2000 йилнинг 28 апрелдаги Фармони моҳиятан Ўзбекистоннинг нефть ва газ захираларига эга ҳудудларида разведка ишлари жадал олиб борилишини белгилаб берувчи тарихий ҳужжат бўлди. Шуни қайд этиш зарурки, 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ миқдорда хорижий инвестициялар жалб этилгани туфайли ана шундай кўламли ишларни амалга ошириш имкони пайдо бўлди.

Вазир шуни қайд этдики, Ўзбекистонда бугун қулай макроиқтисодий вазият қарор топди. Иқтисодий ислоҳотлар туфайли бозор муносабатларига ўтишнинг ўз модели асосида республика макроиқтисодий ва молиявий аҳволининг барқарорлашувига ва МДҲ давлатлари орасида ишлаб чиқариш суръатлари пасайишининг энг кам кўрсаткичига эришди. 1996 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш кузатилмоқда. Меъёридаги қатъий молиявий сиёсат тақчиллик ялпи ички маҳсулотнинг 2,5 фоизигача камайишини таъминлади.

Маълум бўлишича, стратегик хорижий инвесторларга "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси акцияларининг 49 фоизи таклиф этилади. Шунингдек, хорижий инвесторларга барпо этилаётган "Ўзавтогаз" корхонаси акциялари пакетининг 51 фоизи таклиф этилиши мўлжалланмоқда. Бу корхона республиканинг ёнилғи қуйиш ва автомобилларни газ билан таъминлаш станциялари фаолиятини мувофиқлаштиради. "Ўзнефтмаҳсулот", "Ўзнефтгазмаш" акциядорлик компаниялари акциялари ва бошқалар индивидуал схема бўйича таклиф этилади.

Халқаро конференция самарали ҳамкорликка интилаётган барча компаниялар ва корхоналарни қамраб олувчи улкан жараённи бошлаб берди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Давлат мулки қўмитаси раиси Ўктам Исмоилов иштирок этди.

А.ТЎЙЧИБОЕВА,
ЎзА мухбири.

Бугун — Халқаро музейлар куни

Музей-қўриқхонага айлантирилса...

Шаҳрисабз шаҳридаги тарихий-меъморий обидалар муҳофазаси янада мукаммаллашади

Маълумки, Шаҳрисабзнинг 240 гектар майдонни эгаллаган тарихий-маданий ёдгорликлари ЮНЕСКОнинг «Умуминсоний қадриятлар китоби»га киритилди. Бунинг маъноси шуки, Шаҳрисабзнинг тарихий марказидаги ноёб маданий ва табиий ёдгорликлар бебаҳо бўлиб, улар умуминсоният мулки ҳисобланади ва умуминсоният манфаати учун муҳофаза қилиниши шарт. Бу ЮНЕСКОнинг Бош директори Коичиро Мацуурининг юртимизга йўллаган мактубида ҳам алоҳида таъкидланган.

Эндиги вазифа нимадан иборат? Тарихий обидалар, маданий ва табиий ёдгорликлар қай тариқа муҳофаза қилинади? Бунинг учун ишни нимадан бошламоқ керак?

— Шаҳарнинг тарихий қисмини музей-қўриқхонага айлантириш керак, — дейди бу ҳақда гап кетганда Шаҳрисабз шаҳар моддий маданият тарихи музейи директори Наби Хушвақтов. — Шунда тарихий-меъморий обидаларни сақлаб қолиш мумкин бўлади.

Хўш, ЮНЕСКОнинг «Умуминсоний қадриятлар китоби» рўйхатига киритилган Шаҳрисабзда тарихий-меъморий ёдгорликларни сақлаш, муҳофаза этиш, фойдаланиш ва тарғиб-ташвиқ қилиш ишлари қай аҳволда? Бу саволларга жавоб тариқасида бир мисолни келтириб ўтиш кифоя, деб ўйлаймиз. Шаҳардаги қадим Коба карвонсаройи тижорат дўконига, Чорсу меъморий обидаси кўнгилочар ўйинлар ўйналадиган, қандолат маҳсулотлари сотиладиган жойга айлантирилган. Нега? Уларни музейлаштириш ва сайёҳларнинг зиёратгоҳига айлантириш мумкин эмасми? Мумкин, албатта. Фақат бунга ихлос керак. Бу эса ҳозирча кўринмаяпти. Ҳатто, қадимий ёдгорликларни ҳисобга олиш, паспортини яратиш, муҳофаза тизими ишлаб чиқиш кўп ҳолларда унутилмоқда. Қашқадарё вилоятида иккита ҳудудий инспекция хизмати мавжуд. Лекин уларнинг фаолияти мутлақо сезилмайди.

Агар шаҳарнинг тарихий қисми музей-қўриқхонага айлантирилса-чи? Унда муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади. Аввало, обидалардан музей сифатида фойдаланилади. Шунда Шаҳрисабзга хорижий сайёҳлар оқими янада ортади. Албатта, бунинг учун кўп иш қилишга тўғри келади. Аввало, чет эллик туристларга тарихий меъморий обидалар ҳақида сўйлагувчи саводхон гидлар зарур. Гидларнинг нафақат ажнабий тилни, балки юртимиз тарихини яхши билишлари шарт қилиб қўйилиши даркор. Улар учун махсус матнлар тайёрланса, янада яхши.



Энг асосийси, тарихий-меъморий обидаларни музей сифатида жиҳозлаш керак. Бу иш осонми, қийин? Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтиш жоиздир. Наби Хушвақтовнинг айтишича, Англиянинг Глазго шаҳри иқтисодиёти кўмир ишлаб чиқариш саноати билан чамбарчас боғлиқ бўлган. XX асрнинг 80-йилларида Глазго атрофидаги кўмир заҳираси тугайди. Натижада шаҳардаги юзминглаб аҳоли ишсиз қолади. Ана шундай шароитда шаҳар раҳбарияти антиқа йўл тутади. Шаҳарни музейлаштиради. Янги истироҳат боғлари барпо этади. 3 йилда музейларга келиб-кетувчилардан тушган, туризмдан топилган маблағ шаҳар бюджетини тўлдиригина қолмай катта даромад ҳам келтира бошлайди. Яна бир мисол. 1995 йилларда халқаро туризм бўйича 32-ўринда бўлган Чехия «Глазго модели» асосида иш тутиб, бу соҳада ҳозир 7-ўринга чиқиб олди. Шаҳрисабзда бу усулни қўллаш иложи йўқми? Қолаверса, «Глазго модели» эмас, Бухоро, Самарқанд тажрибаси ҳам бор-ку. У қандай тажриба дерсиз? Мазкур шаҳарларда ҳозир мини-меҳмонхоналар кўп. Ҳар бири 3-4 кишига мўлжалланган. Хоналар шарқона усулда жиҳозланган. Сервис хизмати ҳақиқий ўзбеконадир. Бундай меҳмонхоналар маҳаллаларда жойлашганлиги билан хорижликлар қизиқишига сабаб бўлиб, эътиборини қозонаётганлигини таъкидлаш жоиздир. Шундай қилинса, бу ишга давлатнинг эмас, тадбиркорларнинг, ишбилармонларнинг маблағи жалб этилади. Маҳаллалар шод бўлади. Қанча кишининг иш билан таъминланишини айтмайсизми?

Энг муҳими, ҳозир 10 минг атрофида хорижий сайёҳ Шаҳрисабзга келаётган бўлса, бу 2-3 бараварга ортади. Бу — фақат валюта тушуми кўпаяди, дегани эмас. Гап шундаки, келиб-кетувчилар юртимизнинг қадим тарихидан хабардор бўлишади. Мустақиллик туфайли юз бераётган ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўришади. Тинчлик, осойишталик, тараққиётни кўриб, ҳамкору ҳамдаст бўлишга интилишади.

Шаҳрисабзнинг тарихий қисмини давлат музей қўриқхонасига айлантириш учун база бор. Шаҳардаги Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейи бунга негиз сифатида хизмат қилиши мумкин. Музейда 13800 дан зиёд осори-атиқалар сақланмоқда. Малакали мутахассислар фаолият кўрсатишмоқда. Жамоада барча меъморий обидаларни музейлаштириш ғояси, чет эл туризми билан ҳамкорлик қилиш режаси ишлаб чиқилган. Ташаббус ҳам, фидоийлик ҳам бор. Фақат қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Бундан нафақат улар, балки бутун Шаҳрисабз аҳли, юртимиз ютади.

Нарзулла РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

Йигит сўзидан қайтмас...

Ҳозир бўй етган ўғли бор қайси хонадонга разм солсангиз, ажиб бир ҳодисанинг гувоҳи бўласиз. Оталарнинг нигоҳи ғурурдан чақнайди. Оналарнинг кўзида қувонч ёши. Кимдир фарзанди Ватан ҳимоячиси бўлаётганидан чексиз фахрда. Бошқа биров пушти камарининг йигитлик бурчини шараф билан адо этиб қайтганидан кўксини мағрур тутган.

Ҳа, Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш тўғрисидаги қарори эълон қилингандан буён кўпчилик оилалар ана шундай ширин ҳаяжон оғушида яшамоқда. Биринчилардан бўлиб чақирилган йигитлар эса ўз хизмат жойларида ҳарбий қасамёд қабул қилишга ҳам улгуришди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоравул қўшинларига тегишли полковник А. Синицин бошчилик қилаётган ҳарбий қисмда ҳам ёш аскарларнинг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Бир чизиққа саф тортган ёш аскарларни Қоравул қўшинлари қўмондони, генерал-майор Қ. Алиев, отаоналар номидан Қ.Бобоқулов, Р.Қобулжоновалар қизғин қутлашди.

— Ҳар сафар шундай бўлади, — дейди ҳарбий қисм сардорининг ўринбосари, майор А.Мирзакаримов. — Ушбу тадбир катта байрамга айланиб кетади. Ўз жигар гўшасининг Ватанига, Президентига йигитлик сўзини берганини кўриш учун республикамизнинг энг чекка вилоятларидан ҳам ота-оналар ташриф буюришади.

Тантанали қасамёд қабул қилаётган йигитлардаги шижоатни, шиддатни кўриб, юртимиз ҳимояси ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор амин бўласан киши.

Маросимга тўпланган ота-оналар, барча меҳмонлар байрам муносабати билан ёзилган дастурхонга — аскарлар билан бирга ҳарбийча тушликка таклиф этилдилар. Даврага ташриф буюрган санъаткорларнинг куй-қўшиқлари байрамга янада завқ бағишлади.

Озод БЕК,
"Халқ сўзи" мухбири.

МИЛЛИЙ БАНК САНЪАТНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИ

Ўзбекистон Миллий банки ҳамда Республика Бадиий академияси ҳамкорликда Миллий банкнинг 10 йиллиги муносабати билан вилоятларда мамлакатимиз рассомлари асарлари кўргазмасини ташкил этмоқда.

Самарқанддаги Акмал Икромов номидаги Ўзбекистон халқлари маданияти тарихи музейида ҳам ана шундай кўргазма намойиш қилинди. Н.Калонов, А.Исаев, М.Самадов, Т.Ёрқулов, Э.Муҳаммадиев сингари самарқандлик рассом ва ҳайкалтарошларнинг асарлари кўргазма иштирокчиларининг эътиборини қозонди. Бу асарларнинг йигирмадан ортиғи Миллий банк галереяси учун харид қилинди.

Ушбу тадбирдан асосий мақсад республикамиз мустақиллигига тенгдош бўлган Миллий банк юбилейини муносиб нишонлаш, шунингдек, истеъдодли рассомлар асарларини кенг тарғиб қилиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

У.РЎЗИЕВ,
ЎзА мухбири

Қадриятларимиз

«Алпомишим, шу бахшингга мадад бер»

— Сурхондарёнинг энг пешқадам бахшиси — сиз бўлсангиз. Олтмишга кирдингиз. Юбилей ўтказинг, — депти Хушбоқ бахши Мардонақуловга ўзига тенгқур ижодкорлардан бири.

Шу гап туртки бўлиб бахши ўзи яшаб турган Қизириқ ҳокимлигига бориб икки мошин қум-шағал об келтириб берсаларингиз, депти. (юбилей ўтказсам деворларимнинг кўчиб тушган сувоқларини ямаб қўяйин деганми бояқиш). Ҳокимликнинг, сизга бундай ёрдам кўрсатишга имкони ҳам, иложи ҳам йўқ, деган гапининг тўғрилигига бахши ишонмапти. Идорасини яқинда неча ўн миллион сўмлар харжлаб таъмирлаган ҳокимликнинг нақотки икки мошин қум об келтириб беришга иложи етмай қолган бўлса, деб ўйлапти.

— Тумандан ишингиз битмаган бўлса вилоят ҳокимлигига боринг, — депти энди маслаҳатчи.

— Ҳей, шатагимни шартиллатиб энди Термизга юрармидим, — депти бахши.

— «Алпомиш» достонининг Сурхондарёча матнини айтдим. 20 минг нусхада китоб бўлиб чиқди, девдингиз. Яна ерга қарайсиз, — депти яна маслаҳатгўй жим ўтирмай.

Бунга ўхшаган гапларни Хушбоқ илгари жимгина ўтириб эшитаверарди. Бу гал лекин жим туролмапти, «Алпомиш»дан бирон мири қалам ҳақи ололмаганини билдириб қўйипти. Ўз ҳиссасига нашр қилдирган «Балогардон» достонини қандай қилиб сотишни билолмай паришон турганини айтипти.

— Эҳ, бахши-я, айб ўзингизда, — депти суҳбатдоши. — Аввалроқ ... ўтиб кетганингизда олтмиш йиллигингизни ўзимиз бугун гуриллатиб ўтказиб турган бўлармидик. Бир донишманд айтганку ўлдинг — азиз бўлдинг, деб.

Хушбоқ бахши бу гапдан астойдил хафа бўлипти. «Худо ато этиб турган ҳар бир нафасим мен учун байрам. Яна иккита достонимни оққа кўчиряпман. Амир Темурнинг Термизга келганлари баёнини достонга соламан. Термаларимни жамлайман», деб деворга осиғлиқ турган дўмбирасини қўлига олипти. Бағрига босипти. Секин-секин черта бошлапти. Секин-секин куйлай бошлапти:

Кўзим нигор,
узоқларга қарайман,
Дўмбирамда хуш
наволар тарайман.
Кексарсам (қарисам)да
эл ишига ярайман,
Алпомишим, шу
бахшингга мадад бер.

Осмондаги бу
чироқлар — кўзларим,
Йўлдардаги ёниқ
шамлар — сўзларим.
Достонларим —
қувончиму арзларим,
Алпомишим, шу
бахшингга мадад бер.

Терма сўзлаб эл кўнглини
хуш этдим,
Не ботирлар юрагини
жўш этдим.
Кўшиғимни эзгуликка
қўш этдим,
Алпомишим, шу
бахшингга мадад бер.

Давлат қўнса бир
чивиннинг бошига,
Семурғ қушлар
таъзим қилар қошига.

Бугун кирдим мен
Пайғамбар ёшига,
Алпомишим, шу
бахшингга мадад бер.

Шу суҳбатдан уч-тўрт кун ўтиб Деновда яшайдиган шунқор ижодкорлардан бири Хушбоқ аканикига келипти. Пиёз экувдим, бинойидай пуллаб олдим. Юбилейингизни ўзимиз ўтказамиз. Ижод аҳлини жамлаб бир базми жамшид қилайликки, қирқта достонни куйлаган, шулардан ўнтасини қоғозга туширган, Шеробод бахшичилик мактабининг сардори Хушбоқ бахши Мардонақул ўғли, ахир, бир марта олтмишга киради, депти. Бу гапни эшитиб бахшининг киприкларида маржонлар ўйноқлаб қолипти. Омон бўлсин Алпомишларим, деб шунқор укасини бағрига босипти...

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Гувоҳномани бериш Патент идораси томонидан топология рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган санадан эътиборан уч ой ўтгандан кейин амалга оширилади. Топология рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шакли ҳамда унда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

14-модда. Топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддати

Топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ ўн йил давомида амал қилади.

Топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ амал қилиш муддатининг бошланиши қуйидаги саналардан энг олдингиси бўйича аниқланади:

топологиядан биринчи марта фойдаланиш санаси бўйича, бунда бу топология жаҳоннинг бирон-бир ерида фуқаро муомаласига олдинроқ киритилганлиги ҳужжатлар билан қайд этилган сана назарда тутилади;

топология рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар расмий эълон қилинган сана бўйича.

Бошқа шахс томонидан мустақил равишда яратилган айнан бир хил топология пайдо бўлган ҳолларда, топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш умумий муддати ўн йилдан ошиб кетиши мумкин эмас.

15-модда. Топологияга бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш

Топологияга бўлган ҳуқуқ тўла ёки қисман бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

Топологияга бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Топологияга бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш тартиби ва шартлари Патент идораси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси миллий хавфсизлик мақсадларида ҳуқуқ эгасига қонун ҳужжатларида белгиланган компенсация тўлаган ҳолда топологиядан унинг розилигисиз фойдаланишга рухсат бериши мумкин.

16-модда. Топология рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг бекор бўлиши

Топология рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаши муносабати билан бекор бўлади.

Топология рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома:

6

Бурклаш чизиғи

ва яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлмаган топология бошқача ҳолат исботлангунга қадар ўзига хос деб эътироф этилади.

Яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлган элементлардан таркиб топган топологияга, агар бундай элементлар йиғиндиси ушбу модда иккинчи қисмининг талабларига тўла мувофиқ бўлсагина, ҳуқуқий муҳофаза берилади.

Ушбу Қонун билан бериладиган ҳуқуқий муҳофаза топологияга сингдирилган ғоялар, усуллар, тизимлар, технология ёки кодлаштирилган ахборотга нисбатан татбиқ этилмайди.

4-модда. Топология муаллифи

Ижодий меҳнати билан топологияни яратган жисмоний шахс шу топология муаллифи деб эътироф этилади. Агар топология икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахсларнинг биргаликдаги ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, улар биргаликда муаллифлар (ҳаммуаллифлар) деб эътироф этилади.

Топологияни яратишга шахсан ижодий ҳисса қўшмаган, бироқ муаллифга техник, ташкилий ёки моддий ёрдам кўрсатган ёхуд топологиядан фойдаланиш ҳуқуқини расмийлаштиришга кўмаклашган жисмоний шахслар муаллифлар деб эътироф этилмайди.

Муаллифнинг топологияга бўлган ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади ва қонун билан муҳофаза қилинади.

5-модда. Топологиядан фойдаланиш ҳуқуқи

Ҳуқуқ эгасига топологиядан ўз ихтиёрига биноан фойдаланиш, шу жумладан уни тайёрлаш, қўллаш ва тарқатиш мутлақ ҳуқуқи тегишлидир.

Ҳуқуқ эгаси топологияда, шунингдек шундай топологияни ўз ичига олган буюмларда "Т" ҳарфи ёки айланадаги "Т" ҳарфи ёхуд бошқача тарзда ифодаланган "Т" ҳарфини жойлаштиради ва бу унинг Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинишини кўрсатади.

Бир неча ҳуқуқ эгаларига тегишли ҳуқуқлардан фойдаланиш тартиби улар ўртасидаги шартномага биноан белгиланади.

6-модда. Топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши

Муҳофаза қилинадиган топологияни, шу топологияли интеграл микросхемани ёки шундай интеграл микросхемани ўз ичига олган буюмни ҳуқуқ эгасининг рухсатисиз қўллаш, олиб кириш, сотувга қўйиш, сотиш, такрорлаш

3

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида

1-модда. Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

интеграл микросхема — электрон вазифаларни бажаришга мўлжалланган тугал ёки оралиқ шаклдаги микроэлектрон буюм бўлиб, ундаги элементларнинг ҳеч бўлмаганда бири фаол ҳисобланади, буюмдаги боғланишларнинг айримлари ёки барчаси бу буюм тайёрланган жисмлар таркибида ва (ёки) сиртида узвий шакл топган бўлади;

интеграл микросхема топологияси — интеграл микросхема элементларининг ва улар ўртасидаги боғланишлар мажмуининг моддий жисмда қайд этилган фазовий-геометрик жойлашуви;

ҳуқуқ эгаси - интеграл микросхема топологиясининг муаллифи, унинг меросхўри, шунингдек интеграл микросхема топологиясидан фойдаланиш мулкий ҳуқуқларини қонунга ёки шартномага асосан олган ва уларга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

3-модда. Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти ва шартлари

Интеграл микросхеманинг ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзига хос топологияси (бундан буён матнда топология деб юритилади) интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти ҳисобланади.

Муаллифнинг ижодий фаолияти натижасида яратилган

2

Бурклаш чизиғи

Апелляция кенгашининг қарори;

ҳуқуқ эгаси томонидан Патент идорасига берилган ариза;

суд қарори асосида муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

17-модда. Патент божлари

Топологияни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ юридик аҳамиятли ҳаракатларни содир этганлик учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Патент идорасига унинг ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш борасидаги харажатларини қоплаш учун тўланади.

Патент божларининг миқдорлари, уларни тўлаш муддатлари, шунингдек уларни тўлашдан озод қилиш, уларнинг миқдорларини камайтириш ёки уларни қайтариш асослари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

18-модда. Топологияни бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш

Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахслари топологияни бошқа давлатларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар.

19-модда. Чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг ҳуқуқлари

Чет эл юридик ва жисмоний шахслари ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки ўзаро келишув принципи асосида фойдаланадилар.

20-модда. Низоларни ҳал қилиш

Топологияларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

21-модда. Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 12 май.

7

Қирқиш чизиғи

Китоблар оламида

Фойдали луғат

Яқинда «Шарқ» нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси томонидан геология-минералогия фанлари докторлари А.Обидов, Й.Эргашев, геология-минералогия фанлари номзоди М.Қодировларнинг ҳамкорликда тайёрлашган «Нефть ва газ геологияси русча-ўзбекча изоҳли луғати» чоп этилди.

Маълумки, соҳа бўйича изоҳли луғат тайёрлаш ўта масъулиятли, зарурий ва шу билан бир қаторда, ниҳоятда қийин иш. Бинобарин, муаллифлар соҳанинг етакчи олимлари, мутахассислари бўлиши билан бирга қомусий билимга эга бўлмоқлари керак. Изоҳли луғатда тўғри ва аниқ таржима билан биргаликда сўзларнинг, атамаларнинг қисқа ва лўнда ҳолда тўлиқ тушунчаси берилиши керак, айниқса, бошқа йўналишдаги сўзларни қўллаганда шу соҳадаги мутахассислар ушбу сўзларни қандай ишлатишига эътибор беришлари

XXI аср спорти

Олдин хабар қилганимиздек, Россиянинг Тверь шаҳрида ўзбек кураши бўйича ўсмирлар ўртасида иккинчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда дунёнинг ўнта давлатидан икки юзга яқин спортчилар жаҳон чемпиони деган юксак унвонга сазовар бўлиш учун бел боғлаб гиламга чиқдилар.

Ўзбек курашининг Твердаги намойиши

Юксак савияда ташкил этилган мазкур чемпионатда мамлакатимиз полвонлари 5 та олтин, 4 кумуш, 9 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Шоҳсупанинг кейинги поғоналари Россия ва Туркманистон спортчиларига насиб этди.

— Олис юртда сенинг ғалабанг шаънига Ватанингнинг давлат мадҳияси чалинса, кучли ҳаяжондан ўзингни қўярга жой тополмай қолар экансан киши, — дейди 46 килограмм вазн тоифасида олтин медални қўлга киритган ҳамюртимиз Малик Қодиров. Яна иккита чемпионимиз — Олим Равшанов (60 кг.), Баҳром Эрматов (55 кг.) ҳам жамоадошларининг фикрини тасдиқлашди.

Халқаро кураш ассоциацияси спорт департаменти раҳбари Боймурод Юсуповнинг берган маълумотларига қараганда, чемпионатнинг юксак савияда ўтишида Тверь губернияси маъмурияти, ушбу вилоят Кураш федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси мутасаддилари яқиндан ёрдам беришган.

Демак, ўзбек курашининг Олимпиада ўйинлари сари қўяётган қадамлари янада дадиллашди. Миллий спортимизнинг Твердаги намойиши ҳам бунинг исботи, десак муболаға бўлмайди.

О.РАЖАБОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ШУНҚОРЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Самарқандаги Олий ҳарбий автомобил қўмондонлик муҳандислик билим юртида ўрта-махсус касб-ҳунар таълими ўқувчилари ўртасида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаларининг республика финал босқичи бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 140 нафардан ортиқ ёш спортчи ўзларининг Ватан мудофаасига тайёргарликларини синовдан ўтказди.

Муросасиз баҳсларга бой бўлган беллашувларда Самарқанд вилояти терма жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Тошкент вилояти вакилларига, учинчи ўрин эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилояти терма жамоасига насиб этди.

(ЎзА).

«AVTOTRAK»
ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ
Андижон, Наманган, Фарғона, Термиз, Карши, Жиззахда ўз филиалларини ташкил қилади. ФИЛИАЛЛАР РАҲБАРЛИГИГА мутахассисларни ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ЗИЛ, ГАЗ ва бошқа русумдаги автомобилларга дизель ўрнатиш учун Давлат патентлари ва гувоҳномаларига эга.
Автомобилларни таъмирлаш заводлари, автокорхоналар билан лицензион шартномалар тузади.

ЗИЛ, ГАЗ русумидаги автомобилларга ўрнатиш учун Д-243 (МТЗ) дизели + ЗИЛ-130 коробкаси ва МТЗ туридаги тракторлар учун алоҳида дизелларни (капитал таъмирдан сўнг) КУЧАЙТИРИШ АГРЕГАТЛАРИНИ СОТАДИ.
БАҲОЛАР - АРЗОН, СИФАТИ - КАФОЛАТЛАНГАН.
ИЖАРА-ЛИЗИНГ ШАРТЛАРИ АСОСИДА
ПАЗ, КАВЗ, ЛАЗ автобусларига (тажриба тариқасида) дизелларни ўрнатамиз.
АВТОБУС САРОЙЛАРИНИ ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Таклифларни факс орқали юборишингиз мумкин (8-371) 133-72-58.

Манзилимиз: Тошкент ш., Юнусобод м-си, 17-даха, Саноат зонаси.
Тел.: 123-65-43, 64-04-57, 131-34-65.

UZBEKISTAN airways
Ҳаво алоқалари бош агентлиги

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!
«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси 2001 йил 19 майдан бошлаб
ТОШКЕНТ - КРАСНОДАР - ТОШКЕНТ
йўналиши бўйича парвозларни янгидан бошланишини маълум қилади.
HY-641/642 рейси ТУ-154 самолётида шанба кунлари бажарилади.
Тошкентдан учиш вақти - 09.00. Краснодардан учиш - 13.30.
Краснодарга келиши - 12.00. Тошкентга келиши - 18.05.
Шунингдек, 2001 йил 31 майдан
ТОШКЕНТ - МИН.ВОДИ - ТОШКЕНТ
(Урганч орқали)
йўналиши бўйича HY-645/646 рейси тикланади.
Тошкентдан учиш вақти - 08.10. Мин.Водидан учиши - 14.30.
Мин.Водига келиши - 13.00. Тошкентга келиши - 20.55.
2001 йил 4 июндан бошлаб
ТОШКЕНТ - ҚАРАҒАНДА - ТОШКЕНТ
янги йўналиши очилади.
Рейслар замонавий, барча қулайликларга эга RG-85 самолётида душанба ва чоршанба кунлари бажарилади.
Душанба кунлари HY-783/784 рейси.
Тошкентдан учиш вақти - 22.40.
Қарағандага келиши - 02.40 (сешанба куни).
Қарағандадан учиши - 04.10.
Тошкентга келиши - 04.10.
Чоршанба кунлари HY-785/786 рейси.
Тошкентдан учиш вақти - 23.00.
Қарағандага келиши - 03.00 (пайшанба куни).
Қарағандадан учиши - 04.30.
Тошкентга келиши - 04.30.
«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» — ХАВФСИЗЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҚУЛАЙЛИК, АВИАТАШУВЛАР ВА ХИЗМАТЛАР УЧУН МАҚБУЛ ТАРИФЛАР.
4212

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ДУ-20мм, ДУ-32мм, Ф76х3,5мм, диаметрли пўлат трубалар ишлаб чиқаради ва савдо қилади.
ЭНГ АРЗОН НАРХЛАР ФАҚАТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАДИР !
Телефонлар: 41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, 144-38-18 /факс/.
4102

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ
БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
2001 ЙИЛ УЧУН
«МАКРОИҚТИСОДИЁТ» (агросаноат мажмуида)
«МИКРОИҚТИСОДИЁТ» (агросаноат мажмуида)
ихтисосликлари бўйича
АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Ҳужжатлар 1 сентябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади:
700097, Тошкент ш., «Халқлар дўстлиги» к., 28, 2-қават, 5-хона, аспирантура бўлими.
Телефонлар: 76-86-44, 76-86-00, 117-50-16.
4138

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Жиззах политехника институтининг ректори, академик Носир Рашидовга турмуш ўртоғи

Татьяна РАШИДОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси Банк-молия академиясининг ректори Мирсобит Очиловга акаси

Миробид ОЧИЛОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Ўзэкспомарказ» РСКМ раҳбарияти ва жамоаси бўлим бошлиғи Сулаймон Мирзаҳмедовга отаси

Жакуб МИРЗАҲМЕДОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси раҳбарияти ва жамоаси девонхона ходими

Лола СОБИРОВАнинг

фожиали вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Соғлом авлод учун» журнали ва унинг илова нашри — «Мактабгача таълим» журнали публицист, болалар шоири, «Мактабгача тарбия» журнали собиқ бўлим мудири

Баҳодир АМИНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Кимё-технология институти маъмурияти ва жамоаси «Силикат моддалар технологияси» кафедрасининг собиқ мудири, уруш қатнашчиси, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор

Фуат ТОЖИЕВнинг

вафоти туфайли оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 2415, 26127 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Зокир Болтаев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — О. Абдуазимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди: 22.10 1 2 3 4 5 6